

**Султоншоҳ Махмуд, Жалолиддин Махмуд Султоншоҳ
(? – 1193-йил, 19-сентябр)
(1172-1193)**

Ануштегинийлар сулоласидан бўлган Хоразмшоҳлар давлати шахзодаси. Эларслон ва Туркон хотуннинг кенжа ўгли. Султоншоҳнинг акаси Такаш Жанд вилоятида волий бўлиб тургани учун отаси ўлими олдидан Султоншоҳни валиахд этиб тайинлаган. Аммо, давлат ва ҳарбий ишларга унинг онаси Туркон хотун бош бўлган. Такаш Султоншоҳга бўйсунибдан бош тортган, у қорахитойлар ёрдамида Гурганжга қўшин тортган. Султоншоҳ онаси билан Нишопурга қочиб бориб, Муаййид ад-давла Ой-Або ҳузуридан паноҳ топган.

1172-йил 11-декабрда Такаш расман Хоразм тахтига ўтирган, бироқ Султоншоҳ билан Такаш ўртасидаги қураш яна 20 йил давом этган. Султоншоҳ Хуросондаги бир қанча вилоят, шаҳарларни эгаллаб, Марв шаҳрини ўзига қароргоҳ қилган. У Такашга қарши қурашда гўҳ қорахитойлардан, гўҳ қурийлардан қўмақ олиб турган.